

Иккинчи жахон уруши жахон тарихида мисли кўрилмаган даражада катта ва дахшатли, бутун инсоният бошига огир кулфатларни солган уруш бўлди. 1939-йил 1-сентябр куни фашистлар Германияси кўшинларининг Полшага бостириб кириши билан бошланган бу уруш жахоннинг 61 мамлакатини, ер шари ахолисининг 80 фоизини яъни 1,7 млрд. кишини ўз гирдобига тортди. Иккинчи жахон урушини йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар, агрессив кучларнинг дунёга хукмрон бўлиш учун интилишлари келтириб чикарди. Урушни асосий агрессив давлатлар – фашистлар Германияси ва Италияси хамда милитаристик Япония бошлади. Улар орасида Германия уюштирувчи, етакчи рўл ўйнади.

Фашизм ўта агрессив, ўта уюшкок сиёсий куч, сиёсий партия сифатида Биринчи жахон уруши тугаши биланок Италия ва Германияда вужудга келади. Фашистик кучларни Биринчи жахон урушидан норози бўлган, дунёни кайтадан бўлишга ва дунёда хукмрон бўлишга интилувчи йирик молия-саноат корхоналари эгалари, харбийлар хар томонлама кўллаб-кувватладилар. Фашистлар икки жахон уруши ўртасида ўтган 20 йил давомида илдиз отиб, кучайиб боради ва нихоят Германия, Италия ва бошка мамлакатларда сиёсий хокимиятни эгаллайдилар. Германия ва Италия фашистлари харбий-сиёсий иттифок тузиб, бошка мамлакатларнинг ички ишларига аралаша бошладилар. Шу тарика Гарбда, Шаркда, Ўрта ер денгизида хавфли уруш ўчоклари вужудга келади.

Фашистлар блоки мамлакатларининг хукмрон доиралари ўзларини “насибасиз” колдирилган деб хисоблардилар. Улар Биринчи жахон урушидаги маглубиятдан, унинг натижаларидан норози эдилар. Улар мавжуд халкаро муносабатларни ўзгартириш, дунёни куролли куч билан кайтадан бўлиш максадида урушга тайёрландилар. Уларга Англия, Франсия ва АКШдан иборат иккинчи гурух карама-карши турарди. Биринчи жахон урушида ютиб чиккан бу мамлакатлар эгаллаган ерларини саклаб колишга, хукмрон мавкеини мустахкамлашга ва ўз ракобатчиларини янгидан заифлаштиришга интилардилар.

Иккинчи жахон урушининг И-даврида – 1939-йил 1-сентябрдан 1941-йил 22-июнгача бўлган даврда фашистлар Германияси Гарбий ва Марказий Европада хукмронликни кўлга киритди. Германия ва Италия Европадаги 10 та давлатни – Полша, Чехословакия, Югославия, Белгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Австрия, Франсияни босиб олди. Миллатлар лигаси харакатдан тўхтади. Германия Гарбий Европанинг

харбий, иктисодий ресурсларини кўлга киритгач, 1941-йил 22-июн куни хужум килмаслик тўгрисидаги шартномани бузиб, уруш эълон килмасдан СССРга хоинона хужум бошлади. Фашистларнинг максади СССРни босиб олиш, бойлигини талаш, миллионлаб кишиларни кириш ва колганларини кул килиш эди. Германиянинг СССРга карши олиб борган уруши характер жихатидан боскинчилик, адолатсиз уруш эди. Германия билан хамкорликда унинг иттифокчилари – Италия, Финляндия, Венгрия, Руминия, Болгария хам СССРга карши урушга кирдилар.
Совет хукумати 22-июн куни урушнинг бошланиши муносабати билан мамлакат халкига мурожаатнома ишлаб чикди ва у ўша куни радио оркали эълон килинди. Бу мурожаатнома халкни галабага эришиш учун мустахкам жипслашишга, уюшкоклик ва фидокорлик кўрсатишга чакирди. “Бизнинг ишимиз хак иш! Душман тор-мор келтирилажак! Биз галаба киламиз!” дейилган эди мурожаатномада.

СССР таркибига кирган барча республикалар, мухтор округлар, шу жумладан, Ўзбекистон халклари хам уруш гирдобига тортилди. Ўзбекистон халкларнинг бошига огир синовлар тушди. Урушнинг бошланганлиги тўгрисидаги шум хабар етиб келган куниёк Ўзбекистоннинг барча шахарлари ва туманларида, корхона ва муассасаларида митинглар ва йигилишлар бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, дехконлар, зиёлилар, талаба ёшлар ўз Ватанларини химоя килишга, юзма-юз жангларда боскинчиларни тор-мор этиш учун урушга боришга, галабани таъминлаш учун фронт оркасида фидокорона мехнат килишга тайёр эканликларини билдирдилар.
1941-йил 23-июн куни ВКП(б) МК Сиёсий бюроси партия ва совет органларини уруш шароитига мослаб кайта куриш тўгрисида карор кабул килди. Партия ва совет хукуматининг харбий холат тўгрисида, харбий хизматга мажбур бўлган кишиларни кизил армияга сафарбар этиш тўгрисида, курол-аслаха ишлаб чикариш бўйича сафарбарлик режасини жорий этиш тўгрисида карорлари кабул килинди. СССР Халк Комиссарлари Совети ва ВКП(б) МК 29-июнда мамлакат хаётини уруш талабларига мослаб кайта куриш дастурини – фронт ёни вилоятларининг партия ва совет ташкилотларига ёъл-ёърикларини тасдиклади ва тегишли ташкилотларга юборди. Ёъл-ёърикларда жангчилардан хар бир карич ер учун каттик жанг килишни, мардлик ва жасорат кўрсатишни, партия ва совет ташкилотларидан харакатдаги армияга хар томонлама ёрдам беришни уюштириш, курол-ярог, ўк-дори, танклар ва самолётлар ишлаб чикаришни бутун чоралар билан кўпайтириш талаб килинган эди. Фронт оркасини мустахкамлаш, корхоналарнинг янада кучлирок ишлашларини таъминлаш вазифалари кўйилди. “Хамма нарса фронт учун! Хамма нарса галаба учун!” – ёъл-ёърикнинг асосий талаби, кўрсатмаси ана шундай эди.
Мамлакатда хокимият, иктисодиёт, сиёсий ва харбий хаётга рахбарлик килиш 1941-йил 30-июнда Сталин бошчилигида тузилган Давлат Мудофаа Кўмитаси (ДМК) кўлида тўлик равишда тўпланди. Унинг карорларини, кўрсатмаларини бажариш хамма ташкилотлар учун мажбурий эди. Харбий харакатларни бошкарувчи Олий Бош Кўмондонлик кароргохи тузилди ва Сталин СССР Куролли кучларининг Олий Бош кўмондони хамда Мудофаа Халк комиссари килиб тайинланди. Совет рахбарияти томонидан кўрилган бу тадбирларнинг ижроси хаётнинг барча сохаларини харбий изга туширди, мамлакатни ягона харбий лагерга айлантирди.

Ўзбекистонликлар фронтга отландилар. Урушнинг биринчи ойидаёк харбий

комиссарликларга 32 мингдан кўп ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, ёшлар ўзларини фронтга жўнатишни сўраб ариза бердилар. Барча вилоят, шахар ва туман харбий комиссарликлари харбий хизмат мажбуриятида бўлганларни сафарбар этиш билан шугулландилар. Урушнинг дастлабки ойидаёк юз минглаб ватандошларимиз кўлга курол олиб фронтга жўнаб кетдилар.
Ўрта Осиё харбий округи фронт учун жангчилар ва зобитлар тайёрлайдиган ўчокка айлантирилди. Бу округ 1941-йил июнидан 1942-йил охиригача бўлган муддатда харбий сафарбарлик асосида 109 та харбий кўшилма тузди, харакатдаги армияга ва Олий Бош Кўмондонлик кароргохи захирасига 86 дивизия ва бригада жўнатди. Ўзбекистон хукумати ва ватанпарвар кучлар миллий харбий кўшилмалар тузиш ташаббуси билан чикдилар. 1941-йил ноябридан 1942-йил мартигача бўлган даврда 14 та миллий харбий кўшилмалар, жумладан, 9 та ўкчи бригада, 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб фронтга жонатилди. Миллий кошилма аскарлари ва зобитларига яхши харбий таълим беришда, улар билан фронтни мустахкамлашда Ўзбекистонда тузилган захирадаги 24-ўкчи дивизия катта рўл ўйнади. Дивизиянинг бошликлари ва зобитлари таркибида 178 ўзбек ўглони фаол хизмат килди. Бу дивизия уруш йилларида 390 минг кишидан зиёд жанговар кучлар тайёрлади ва фронтга жўнатди. Умуман олганда 1941–1945-йиллар давомида Ўзбекистондан аникроги 1.433.230 киши урушга сафарбар бўлган. Ўзбек халки, кексалар, ота-оналар дахшатли синов пайтида ўз фарзандларини фронтга жўнатар экан, уларга мард ва ботир аскар бўл, хамиша биринчи сафда юр, кахрамонларча жанг кил, галаба билан кайт, деб насихат килиб колардилар.
Ўзбекистон партия ва совет ташкилотлари фронт оркасини мустахкамлаш, хўжаликни харбий изга тушириш, барча одамларни мехнатга сафарбар этиш, кўплаб жанговар техника, курол-аслаха, ўк-дорилар ишлаб чикишни ёълга кўйиш бўйича шошилинч тадбирларни амалга оширдилар. Бу сохадаги ишларга ВКП(б) МК ва Давлат Мудофаа Кўмитаси топширигига биноан ишлаб чикилган ва 16-августда тасдикланган 1941-йил иккинчи ярми ва 1942-йил учун харбий хўжалик ишлар режаси асос бўлиб хизмат килди. Бу режада мамлакатнинг шаркий минтакаларида, жумладан, Ўзбекистонда янги заводлар, шахталар, конлар куриш хамда курол-аслаха, ўк-дори, айникса кўплаб танк, самолёт, тўп ва замбараклар ишлаб чикаришнинг кенг дастури белгилаб берилган эди. Дастурда транспорт ишини кайта куриш, душман ишгол килиши хавфи остида колган жойлардаги саноат корхоналарини колхоз ва совхозларнинг мол-мулкларини, илмий муассасаларни шаркка кўчириш ва уларни жойлаштириш, янгидан ишга тушириш тартиблари хам белгиланган эди. Бу тадбирларни амалга оширишга 1941-йил 25-августда ташкил этилган Усмон Юсупов бошлик махсус республика хукумат комиссияси рахбарлик килди. Ўзбекистоннинг иктисодий ва мехнат ресурслари фронтга сафарбар этилди. Бутун СССР худудида, жумладан, Ўзбекистонда янги мехнат режими жорий килинди, яъни иш куни узайтирилди, дам олиш кунлари ва мехнат таътиллари бекор килинди.
Ўзбекистон саноатчилари 1941-йил охиригача 300 га якин корхонани жанговар техника, куроллар, ўк-дори ишлаб чикаришга мослаштириб кайта курдилар. Бу корхоналарда фронтга сафарбар этилган эркаклар ўрнини кексалар, хотин-кизлар эгалладилар. Урушнинг дастлабки пайтларидаёк 20 мингга якин тошентлик хотин-кизлар саноат корхоналари ва курилишларда, 1700 га якин республика хотин-кизлари кўмир кони шахталарида ишлашга ёъл олдилар. Ишлаб чикаришни ишчи ва мутахассислар билан таъминлаш чоралари кўрилди. Республика олий ва ўрта махсус ўкув юртлари,

хунар-техника билим юртлари, фабрика-завод таълими мактабларининг фаолияти уруш даври талабларига мос кадрлар тайёрлашга ёъналтирилди. Якка тартибда ва бригада тарикасида хунар ўргатиш ишлари ёълга кўйилди. Республикамиз кишлокларининг ахолиси фронтни ва фронт оркасини озик-овкат, саноатни хом ашё билан таъминлаш учун оёкка турди. Хар бир колхозчи ва совхоз ишчиси икки-уч иш нормасини бажариш учун фидокорона мехнат килди.
Уруш бўлаётган ва душман якинлашиб келаётган худудлардан мухим са-ноат корхоналарини, колхоз, совхоз ва МТСларнинг мулкларини, маданий бойликлар ва ўкув масканларини Шаркка, жумладан, Ўзбекистонга зудлик билан кўчириб келтириш, жойлаштириш ишлари бошланиб кетди. 100 га якин саноат корхонаси, жумладан, 48 та машинасозлик, металл ишлаш, кимё ва бошка харбий техника ва махсулотлар ишлаб чикарувчи йирик заводларнинг асбоб-ускуналари кўчириб келтирилди. Ўзбекистон шахарларида шошилинч бўшатиб берилган ёки янгидан курилган биноларга кўчириб келтирилган асбоб-ускуналар зудлик билан жойлаштирилди ва монтаж килинди. Улар ишчи кучи, хом ашё, инструментлар билан таъминланди ва фронт учун махсулотлар ишлаб чикариш ёълга кўйилди.

Ўзбек халкининг инсонийлик, олижаноблик, болажонлик фазилатлари уруш йилларида мамлакатнинг гарбий вилоятларидан кўчириб келтирилган ахолига, болаларга кўрсатган очиккўнгиллиги, хамдардлиги ва гамхўрлигида ўз ифодасини топди. Ўзбек халки урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия, Болтикбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган бир миллиондан кўпрок кишиларни, шу жумладан, 200 мингдан кўпрок етим болаларни ўз багрига олди. Кўчириб келтирилган ахолини кабул килиш, жойлаштириш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларини мехнат жамоаларининг йигилишларида мухокама килиш ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг кулоч ёзди. 1941-йил 3-декабрда Ўзбекистон Компартияси МКнинг кўчириб келтирилган фукароларни кабул килиш ва жойлаштириш юзасидан махсус карори чикди. Халк Комиссарлари Совети хузурида 1941-йил 10-июлда тузилган махсус республика комиссияси ва махаллий советларнинг ижроия кўмиталари кошида тузилган алохида бўлимлар кишиларни хисобга олиш ва жойлаштириш билан шугулландилар. Кўчириб келтирилганлар шахар ва кишлок туманларига жойлаштирилди. Киска муддат ичида Андижон вилоятига 100 минг, Самарканд вилоятига 165 минг, Наманган вилоятига 53600 киши жойлаштирилди. Кўчиб келганлар Ўзбекистонда бошпана топдилар, иш билан таъминландилар. Ўзбек халки ўз нони, кийим-кечаги, турар жойини кўчиб келганлар билан бахам кўрди.
Ўзбеклар кўчириб келтирилган ота-онасиз ёш болаларга алохида гамхўрлик килдилар, 200 минг дан кўпрок етим болаларни ўз багрига олдилар. Халк Комиссарлари Совети кошида болаларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия тузилди, унинг ишида 30 та хотин-кизлар фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Халк маорифи комиссарлиги ташаббуси билан болаларни кабул килиш-таксимлаш маркази тузилди. Республикамизнинг барча вилоятлари, шахар ва туманларида болаларни кабул килиш пунктлари очилди, уларда ўкитувчилар кечаю-кундуз навбатчилик килдилар. Милитсия бўлимлари кошида 30 дан ортик болалар хоналари ташкил этилди. Кўчириб келтирилган болалар турлича ёшда эдилар. 15 ёшгача бўлган болалар – болалар уйлари, мактаб-интернатларга жойлаштирилиб, уларда ўкув-тарбия ишлари ёълга кўйилди. Фабрика-завод таълими мактаблари, хунар ва темир ёъл билим юртларининг собик талабалари ўкишни давом

эттириши учун республика завод-фабрика мактабларида ўкишга жалб этилди. 15 ёшдан катта бўлган болалар эса ишлаб чикаришга ишга жойлаштирилди.
1942-йил 2-январда Тошкент шахрида хотин-кизларнинг йигилиши бўлиб, унда республикамиздаги барча аёлларга карата мурожаат килинди. Мурожаатда етим болаларни ўз тарбиясига олишга даъват этилади. Кўплаб оилалар бокимсиз колган болаларни ўзларига фарзандликка олдилар, топган-тутганларини улар билан бахам кўрдилар. Турли миллатларга мансуб бўлган 14 болани фарзандликка олган тошкентлик темирчи уста Шоахмад Шомахмудов ва унинг хотини Бахри Акрамовалар оиласи юксак инсонийлик фазилатларини кўрсатиб кўпчиликка ибрат бўлдилар. Урушдан ногирон бўлиб кайтиб келган каттакўргонлик Хамид Саматовлар оиласи 13 болани, самаркандлик колхозчи аёл Фотима Косимовалар оиласи 10 болани ўз кучогига олиб, мехр кўри билан уларнинг калбини иситди, дилини ёритди. Ўзбекистон рахбарларидан Усмон Юсупов ва Ёълдош Охунбобоевлар оиласи хам етим болаларни ўз тарбиясига олдилар. Ўнлаб болаларни фарзандликка олиб тарбиялаб вояга етказган оилалар республикамизда анчагина. Уларнинг буюк инсонпарварлик, ватанпарварлик жасорати Тошкент шахрининг Халклар дўстлиги майдонида яратилган ёдгорликда абадийлаштирилди.
Ўзбекистонга жангларда ярадор бўлган ёки бемор бўлиб колган минглаб жангчилар – аскар ва зобитлар хам жўнатиларди. Уларни кабул килиб олиш, госпиталга жойлаштириш, саломатлигини тиклаш ишларига алохида мехрибонлик килинди, республикамиз согломлаштириш марказларидан бирига айланди. 1941-йил 1-октабргача Ўзбекистон согликни саклаш халк комиссарлиги тизимида 14950 ўринга эга бўлган 47 госпитал барпо этилди ва зарур ускуналар билан жихозланди. Айни пайтда Москвадан, Калинин, Ростов ва бошка вилоятлардан 15900 ўринга эга бўлган 48 госпитал кўчириб келтирилиб, жойлаштирилди ва ишга туширилди. Харбий касалхоналар куриш кейинги йилларда хам давом этди. Ўзбекистонда 39140 ўринга эга бўлган 113 та госпиталда ярадор ва бемор жангчиларга тиббий хизмат кўрсатилди.
Вилоят, шахар, туман идора органлари госпиталдагилар холидан хабар олиб турдилар, госпиталларга хўжаликлар ташкил этиш ва иш юритиш учун ер майдонлари ажратиб бердилар. 1942-йилда 1513 мехнат жамоалари, жумладан, 750 корхона, колхоз ва совхозлар госпиталларни оталикка олиб, уларни ёкилги, озик-овкат ва бошка кишлок хўжалик махсулотлари билан таъминлаб турдилар. Ўзбекистонлик 18482 нафар донорлар ярадорларни оёкка тургизиш учун кон бериб турдилар. Уруш йилларида Ўзбекистондаги госпиталларга 164382 ярадор ва беморлар жойлаштирилди, уларнинг 87 фоизи, яъни 143101 киши даволаниб чикдилар.
Ўзбекистонлклар орасида мудофаа фондини ташкил этиш, фронт учун иссик кийимлар тўплаш харакати кенг ёйилди. Ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар шахсий жамгармаларини, кимматбахо буюмларини мудофаа фондларига топширдилар. Факат 1941-йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон колхоз ва совхозлари фронт учун 59 минг от ва уларга керакли ем-хашак тўплаб бердилар. Машхур ўзбек раккосаси Тамарахоним мудофаа фондига 50 минг сўм топширди. Мудофаа фондига 650 млн. сўм пул, 22 млн. сўмлик кимматбахо буюмлар, 55 кг.га якин олтин, кумуш ва бошка кимматбахо металлар тўпланди. Бу жамгарма хисобига республикамизда танк колонналари, авиатсия эскадрилиялари, бронепоездлар курилиб фронтга жўнатилди. Ўзбекистонликлар жангчиларга эшелонлаб иссик кийимлар, мевалар жўнатиб турдилар. Давлат харбий заёмларига ёзилиш ёъли билан анчагина маблаглар тўпланди. Ахолидан иссик кийимлар тайёрлаш учун жун, кўй терилари йигиб олинди. Ахолига давлат заёми, пул-буюм

лотереяси сотиш хисобига 4,2 млрд. сўм маблаг йигилиб галаба манфаатлари ёълида фойдаланилди.
Хуллас, урушнинг дастлабки йилидаёк Ўзбекистоннинг бутун моддий ва маънавий кучлари галаба учун сафарбар этилди, хаёт харбий изга туширилди, халк Ватан химоясига отланди.

## Ўзбекистон саноати ва кишлок хўжалиги фронт хизматида

Уруш республика саноат тармокларининг ёъналишини хам, саноат ходимларининг ишини хам тубдан ўзгартирди. Корхоналарда янги мехнат режими жорий килинди, иш куни узайтирилди, ишдан кейин колиб ишлаш жорий этилди, мехнат таътиллари, дам олиш кунлари бекор килинди.
Саноат корхоналари киска вакт ичида харбий изга солиниб, миномёт ва автоматлар, самолёт ва танклар учун эхтиёт кисмлари ва бошка харбий куроллар ишлаб чикара бошладилар. Кишлок хўжалик машиналари ишлаб чикараётган Тошкент кишлок хўжалик машинасозлиги заводи харбий куроллар ишлаб чикара бошлади. Андижондаги "Коммунар", "Строймашина" заводларида самолёт ва танкларга керакли жихозлар, Кўкон шахридаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикаси харбий махсулот ишлаб чикаришни ёълга кўйишда фидокорона мехнат килдилар. Республика бўйича 1941-йил охирларига келиб 300 та саноат корхонаси факат харбий махсулот ишлаб чикара бошлади.
Ўзбекистон саноатчилари корхоналарни харбий изга туширишдек ишларни кўчириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш ва ишга туширишдек янада огиррок ишлар билан кўшиб олиб бордилар. Тошкентда зудлик билан жойлаштирилган "Ростселмаш" заводи "Катюша" ва миномёт снарядлари, авиатсия заводи жанговар самолётлар, Колчугинскдан келтирилган кабел заводи харбий алока махсулотлари етказиб бера бошлади.
Одамлар иродасига боглик бўлмаган етишмовчиликлар сезиларди. Юк кўтарувчи кранлар ёък эди, махсус асбоб-ускуналар, электр кувватлари, кўмир ва нефт каби ёкилгилар, хом ашё ва бошка материаллар етишмас эди. 1941-йил 5-7 декабр кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг В пленумида республика саноатини харбий изга солиш, кўчириб келтирилган асбоб-ускуналарни жойлаштириш сохасидаги ишларга якун ясалиб, корхоналарда курол-ярогларнинг мухим турлари – самолётлар, танклар, бронепоездлар, авиабомбалар, тўп ва замбараклар, гранаталар, миналар, снарядлар ишлаб чикаришни кенг ёълга кўйиш вазифаси илгари сурилди. Бунинг учун етарли даражада металл киркувчи станоклар ва аник ўлчовчи инструментлар ишлаб чикаришни ташкил этиш, нодир металлар казиб олишни кучайтириш хамда кора ва рангли металлургия саноатини яратиш, электр энергетика базасини кенгайтириш, нефт казиб олишни 2-3 баравар ошириш, кўмир казиб олишни кучайтириш, йирик курилиш материалларини ишлаб чикариш корхоналарини барпо этиш, киска муддатда 30 минг малакали ишчилар тайёрлаш тадбирлари белгилаб берилди.

Кўчириб келтирилган корхоналар тарихда мисли кўрилмаган киска муддатларда 4-5 ойда, айримлари хатто 1-2 ой давомида куриб битказилиб, фронт учун харбий махсулотлар бера бошлади. Уларнинг энг йириги Чкалов номли авиатсия заводи, Москва кабел заводи, Харков электростанок заводи, кўтарма кранлар заводи, Ростовдан келтирилган “Красний Аксай”, Сулск насос заводи, вагон-ремонт заводи, “Красний пут” заводи, Киев “Транссигнал” заводи, “Кинап” заводи ва бошкалар эди. Бу корхоналарнинг хар бири ўрта хисобда 20 фоизгача ишчи ва инженер-тех ник ходимлар билангина келтирилган эди. Колган 80 фоизи республикамизнинг фабрика-завод таълими мактабларида, турли курсларда тайёрланган ишчи ва техник ходимлар билан таъминланди. Хотин-кизлар, кексалар, ёшлар корхоналардаги турли хил ишларга жалб этилди. Урушнинг бир ярим йили мобайнида Ўзбекистон саноатида хотин-кизлар салмоги 29 фоиздан ошди ва 1943-йилда 63,5 фоизни ташкил килди.
Республика саноат корхоналари кувватларининг кенгайиши, кўчириб келтирилган корхоналарнинг ишга тушиши биринчи навбатда электр энергияси ва ёкилги ишлаб чикаришни кескин оширишни талаб килди, мавжуд электр кувватлари бундай талабга жавоб беролмас эди. 1943-йилда Ўзбекистоннинг энг йирик гидроелектростансияси – Фарход ГЕСи курилиши бошланди, курилиш зарур материаллар ва ишчи кучи билан таъминланди. Фарход курилиши умумхалк курилишига айланди, бинокорлик ишлари хашар ёъли билан бажарилди. 10 ойлик фидокорона мехнат натижасида Сирдарё жиловланди. Уруш йилларида Бўзсув дарёси ўзанларида Товоксой, Окковок, Салар, Куйибўзсув, Октепа, Кибрай ГЕСлари, Самарканд вилоятида Талигулян ГЕСи, 30 га якин кичик колхоз ГЕСлари, шахарлар ва йирик корхоналар ёнида кичик ГЕС лар курилиб ишга туширилди. Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чикариш карийб 2,5 бараварга, яъни 1940-йилда 482 млн. киловатт соатдан 1945-йилда 1187 млн. киловатт соатга кўпайди. Ёкилги саноатини ривожлантиришга хам катта куч ва маблаглар сарфланди. 1940-йил охирларида Охангарон дарёси окимидаги Курама тог тизмасида дастлабки кўмир казиб оладиган шахта курилган эди. Уруш даврида “Ангренугол” кўмир конида яна учта шахта ва очик усулда кўмир казиб олинадиган карьер бунёд этилди. Ўзбекистон ва Киргизистон чегарасида Кизилкия кўмир кони фойдаланишга туширилди, ўта иссиклик кувватига эга бўлган кўнгир кўмир казиб олинди. Ўзбекистон кўмир саноати ходимларига 1942-йилда республикамизга келишган Донбасс шахтёрлари кўмаклашдилар. 1940-йилда Ўзбекистонда атиги 3 минг тонна кўмир казиб олинган бўлса, 1945-йилда 103 минг тонна кўмир казиб олинди. Натижада республикада саноатнинг янги тармоги – кўмир саноати барпо килинди. Нефт-геология кидирув тресети, нефт тармоги курилиш-монтаж тресети, нефт казиб олувчи икккита трест, нефт казиб чикариш асбоб-ускуналарини таъмирлаш заводи, нефт машинасозлиги заводи барпо этилди. Фаргона водийсида ишлаб турган Андижон, Полвонтош, Чангартош, Чимён нефт конларида махсулот ишлаб чикариш кўпайтирилди. Уруш йилларида Чукурлангар, Толмозор, Найман, Шахрихон, Хўжаобод, Жанубий Оламушук ва бошка янги нефт конлари ишга туширилди. Нефт тозалаш заводи, озакрит ишлаб чикариш ёълга кўйилди. Уруш йилларида республикада нефт ишлаб чикариш 4 марта кўпайди ва 1945-йилда 478 минг тоннадан ортди.
Енергитика ва ёкилги саноатининг ўсиши машинасозлик саноатининг ривожланишига кулай база яратди. Гарбдан кўчириб келтирилган заводлар базасида 16 та station саноатнинг

асосий хом ашёси металл бўлганлиги боис унга бўлган талаб тобора ошиб бора бошлади. Ўзбекистон хукумати 1942-йил 17-июнда Бекободда металлургия заводи куришга карор кабул килди. Иттифок хукумати зарур материаллар, маблаг би лан кўмаклашди. Россия ва Козогистон саноат корхоналаридан кўплаб асбоб-ускуналар келтирилди.
Ўзбекистоннинг биринчи металлургия заводи 1944-йил 5-март куни дастлабки металл махсулотларини бера бошлади ва тез кунларда заводнинг биринчи навбати, 1945-йил февралдан иккинчи навбати ишга туширилди. Геологик-кидирув ишлари натижасида кўплаб кора ва рангли металл конлари очилди. Уруш йилларидаёк Лангар, Ингичка, Кўйтош, Гортепа, Олмалик рангли металл конлари, Октош боксит конини ўзлаштириш ишлари бошланиб кетди. Улардан казиб олинган волфрам, молибден, мис, алюмин ва бошка махсулотларни кайта ишлаш корхоналари курилди.
Кимё саноати хам ривожлана бошлади. 1944-йил январидаёк Горкий ва Сталиногорск кимё комбинатларидан кўчириб келтирилган ускуналар асосида курилган Чирчик электрокимё комбинатининг иккинчи навбати мухим кимё махсулоти – аммиак ишлаб чикара бошлади. 1943-йилда Кувасой кимё заводи, Кўкон суперфосфат заводи, Фаргона гидролиз заводи курилиб ишга туширилди. Кимё саноати махсулотлари салмоги 1940-йилга нисбатан 1945-йилда 6,1 бараварга кўпайди.
Уруш йилларида курилиш материаллари саноати, тўкимачилик ва поябзал саноати, озик-овкат саноати, махаллий саноат тармокларини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Факат 1943-йилда 12 та ёг заводи, 3 та пахта тозалаш заводи, 4 та канд ва 4 та консерва заводлари курилиб ишга туширилди. Уруш йилларида Ўзбекистонда 280 та янги саноат корхоналари курилиб ишга туширилди. Саноатнинг янги тармоклари – авиатсия, станоксозлик, огир машинасозлик, кора ва рангли металлургия хамда бошка тармоклари вужудга келди. Тошкент СССРнинг энг катта саноат марказларидан бири бўлиб колди. Бекобод саноат шахри вужудга келди. Янгиёъл, Чирчик каби ёш шахарлар янада ривож топди.
Саноат корхоналарининг кенгайиши, янги курилган завод-фабрикаларнинг иши, муваффакияти уларни малакали ишчилар билан таъминлашга боглик эди. Юз минглаб кишиларнинг, хусусан, тажрибали ходимларнинг фронтга сафарбар этилиши катта кийинчиликлар тугдирарди. Кексалар, аёллар, айникса армияга чакириш ёшига етмаган ўсмирлар ва кизлар корхоналарга жалб этилди, уларга хунар ўргатилди, республикада 100 мингдан кўпрок малакали ишчилар тайёрланди. Факат хунар ва темир ёъл билим юртлари, фабрика-завод таълим мактаблари 57 мингдан зиёд ёш ишчи кадрларни тайёрлаб бердилар. Корхоналар зиммасига юкланган катта топшириклар кишилардан жисмоний зўрикиш, хатто холдан тойгунча ишлашни талаб киларди. Ўзбекистонликлар галаба учун хар кандай огирликни, кийинчиликларни енгиб ўтдилар, республикани кизил армиянинг курол-аслахахонасига айлантирдилар. Ўзбекистон фронтга 2090 самолёт, 17342 авиамотор, 2318 минг авиабомба, 1,7 мингдан ортик миномёт, 22 млн. дона мина, 560 минг снаряд, миллионтача граната, 330 минг дона парашют, харбий эхтиёжлар учун 100 минг км.дан ортик махсус сим, 125 минг км. телефон кабеллари ва бошка махсулотлар етказиб берди. Бу ўзбекистонликларнинг фашист боскинчиларини тор-мор этишга кўшган улкан хиссаси сифатида жахон тарихидан муносиб ўрин олди.
Урушда галабага эришиш транспорт иши билан боглик эди. 1943-йил 25-январда “Тошкент темир ёъли иши тўгрисида” махсус карор кабул килинди. Темир ёъл харбий холатга ўтказилди, унда ишловчилар сафарбар этилган деб хисобланди, харбий хизматчилар каби каттик интизомга риоя этиш мажбур килиб кўйилди. Поездлар

харакатининг кўшинлар ва харбий юкларни биринчи навбатда ўтказиб юборишини кўзда тутувчи харбий график жорий этилди. Тошкент темир ёъл транспортчилари кўчириб келтирилаётган корхоналарнинг асбоб-ускуналарини ва миллионлаб кишиларни Гарбдан Шаркка, жанговар техника ва курол-ярогларни Шаркдан Гарбга ўз вактида тўхтовсиз ўтказиб туриш топширигини бажардилар. Шу билан бирга ликда Ўзбекистонда янги темир ёъллар курилиши жадал олиб борилди, 1941-1945 йилларда темир ёъл линиялари 2 бараварга узайди. Тошкент – “Ангренугол”, Бойсун – Откулок – Турангли, Тошкент – товар стансияси темир ёъллари курилиб ишга туширилди.
Алока, телефон, телеграф ходимлари хам уруш талабларига мослашиб ишладилар. Алока ходимлари Ўзбекистоннинг Марказ билан, республика рахбариятининг вилоят, шахар, туманлар, юзлаб саноат корхоналари билан алокасини ёълга кўйдилар. Тошкент – Самарканд – Ашхобод, Тошкент – Самарканд – Боку, Тошкент – Самарканд – Красноводск телефон линияси, иккита Тошкент – Самарканд – Бухоро телефон алока ёъллари курилди. 1943-йилда куриб ишга туширилган 500 км.лик телефон ёъли Тошкентни Хоразм вилояти ва Коракалпогистон республикаси билан боглади. Йирик корхоналарнинг ўзларида хам 50–100 ўринли телефон стансиялари курилди. Натижада хўжаликларга рахбарлик килиш, уларга ўз вактида кўмакла шиш ишлари яхшиланди. Почта бўлимларида хам иш хажмлари ошиб борди. Агар 1941-йилда ўрта хисобда битта почта ходими томонидан 50 минг хат-хабар жўнатилган бўлса, бу кўрсаткич 1942-йилда 74,5 мингга, 1943-йилда 77,5 мингга етди. Почта ходимлари фронтдаги жангчилар билан уларнинг ота-оналари, рафикалари, кариндошлари ўртасида алока богловчи кўприк ролини бажардилар.

Уруш республика кишлок хўжалик ходимларини каттик синовдан ўтказди. Улар олдида саноатни хом ашё билан, ахолини озик-овкат, кийим-кечак билан узлуксиз таъминлашдек улкан, мураккаб вазифа турар эди. Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики, биринчидан, республика кишлок хўжалиги асосан пахта етиштиришга ёъналтирилган бўлиб, озик-овкат махсулотлари Иттифок фондидан келтирилар эди. Уруш бошлангач озик-овкат келтириш тўхтади, ахолини бокиш учун ички имкониятларни излаб топиш зарур бўлиб колди. Иккинчидан, эвакуатсия килинган ахоли хисобига шахарлар ахолисининг кўпайиши озик-овкатга бўлган талабни янада оширди. Учинчидан, куч-кувватга тўлган дехконлар фронтга ва харбий са ноатда ишлашга сафарбар этилган, дехкончиликнинг машаккатли ишлари кексалар, аёллар, ўсмирлар зиммасига тушган эди. Тўртинчидан, МТСлар ва совхозларга Гарбдан янги тракторлар, кишлок хўжалик машиналари ва уларга эхтиёт кисмлар келтириш тўхтаб колган, бугина эмас, хўжаликлардаги тракторлар, автомобиллар, отларнинг бир кисми кизил армия эхтиёжлари учун олиб кетилган эди.
Кишлок хўжалигининг барча бўгинларида катъий иш тартиби белгиланди. Энг кам микдордаги мажбурий мехнат кунлари 1,5 бараварга оширилди, ўсмирлар учун хам 12 ёшдан бошлаб мехнат кунлари белгиланди. Белгиланган микдордаги мехнат кунларини бажариш мажбурий килиб кўйилди.
Уруш йилларида республика дехкончилигининг структураси кескин ўзгарди. Пахтачиликни асосий тармок сифатида саклаб колган холда дон, канд лавлаги, каноп, пилла, сабзавот, полиз махсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирлари кўрилди. Биринчи навбатда экин экиладиган майдонларни кенгайтириш, ирригатсия кувватларини ошириш ишлари юксак суръатлар билан олиб борилди.

Усмон Юсупов ЎзКП(б) МКнинг 1941-йил декабрида бўлиб ўтган В пленумида Ўзбекистонда галла масаласини хал килиш, ўзимизни ўзимиз уннон билан таъминлашимиз керак, деган вазифани илгари сурди. Дон экиладиган сугориладиган ер майдонлари кенгайтирилди. Заранг ерлар, кўриклар, тўкайлар, лалмикор ерлардан фойдаланилди. 1942-йилда 1408,1 минг гектар, 1943-йилда 2090,2 минг гектар ерга галла ва дуккакли экинлар экилди. Натижада дон махсулотлари етиштириш кўпайиб, 1941-йилги 4,8 млн. с. ўрнига 1953-йилда 5,3 млн. с. олинди, республика эхтиёжлари кондирилди. Кишлок хўжалигида Ўзбекистон учун янги тармок – канд лавлаги етиштириш ёълга кўйилди. Самарканд, Фаргона, Тошкент, Кашкадарё вилоятлари лавлаги етиштириш бўйича ихтисослаштирилиб, 1942-йилдаёк 65 минг гектарга, кейинги йилларда 70 минг гектардан ортикрок хосилдор ерларга канд лавлаги экилди. Канд лавлагини кайта ишлаш, шакарканд ишлаб чикариш учун Зирабулок, Кўкон, Янгиёъл канд заводлари курилди. Республика бўйича 1944-йилда давлатга 1 млн. 373 минг. с., 1945-йилда 1 млн. 646 минг. с. канд лавлаги топширилди. Уруш йилларида Ўзбекистон бутун Иттифокда ишлаб чикарилган канднинг тўртдан бир кисмини берди.
Уруш йилларида мехнаткашлар чорвачилик, жун, коракўл, тери етиштириш, пиллачилик жабхаларида хам фидокорона мехнат килдилар. Гўшт, ёг, сут, картошка, сабзавот ва полиз махсулотлари, мева тайёрлашда кўрсатилган гайрат-шижоат туфайли мустахкам озик-овкат базаси яратилди. Республикамиз кишлок хўжалиги ходимлари уруш йилларида давлатга 1262 минг тонна дон, 54,1 минг тонна пилла, 482 минг тонна картошка ва сабзавот, 57,5 минг тонна мева ва узум, 36 минг тонна курук мева, 159 минг тонна гўшт, 22,3 минг тонна жун етказиб бердилар.
Уруш йилларида хам пахтачилик кишлок хўжалигининг мухим сохаси бўлиб колди. Пахтакорлар жонбозлик билан ишлаганларига карамай, 1942–1943-йилларда пахта тайёрлаш режаси бажарилмай колди. Давлатга 1 минг тонна пахта кам топширилди. Бунга бир катор объектив холатлар сабаб бўлди: пахта экиладиган майдонлар 1941-1943 йилларда 927650 гектардан 625343 гектарга камайди; механизатсия воситалари етишмасди; минерал ўгитлар, ёкилги камайган эди; ерни хайдаш, чопик, сугориш, ирригатсия тармокларини тозалаш ишларини ўз вактида мунтазам олиб бориш учун ишчи кучи етишмаслигидан пахта етиштириш агротехникаси ёмонлашган эди. Республика рахбарияти буни яхши тушунарди. Пахта майдонларини кискартириш, бунинг ўрнига дон, канд лавлаги ва бошка озик-овкат махсулотлари етиштириладиган экин майдонларини кўпайтиришга мажбур бўлган эди. Бирок Марказдаги рахбарлар бу объектив омилларни хисобга олмайди. Шу боис республика рахбарлари Москвага чакирилиб мухокама килиндилар, уларни пахта тайёрлаш ишини ўз холига ташлаб кўйишда, лаёкатсизликда айбладилар. Улардан хар кандай ёъл билан бўлса хам пахта тайёрлаш режасини бажариш, янада кўпайтириш талаб килинди. Бу бошкаришнинг маъмурий-буйрукбозлик усулларини янада кучайтиришдан бошка нарса эмасди. Бундай зугум натижалари ВКП (б) МК нинг 1944-йил 6-мартда кабул килинган “Оъзбекистон КП(б) МКнинг иши тўгрисида”ги карорида ўз ифодасини топганди. Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1944-йил апрел ойида бўлган X пленуми мазкур карорни бажаришга доир тадбирларни ишлаб чикди. Иттифок хукумати Ўзбекистон пахтакорлари учун 2300 та янги трактор, 300 та юк автомобили, 375 минг тонна минерал огит ва бошка кишлок хўжалик ускуналари ажратди. 1944-йилги пахта тайёрлаш режаси багарилди, давлатга 1943-йилга нисбатан 375 минг тонна кўп пахта топширилди, 1945-йилда хам пахта тайёрлаш режаси бажарилди. Уруш йилларида республика пахтакорлари давлатга 4

млн. 806 минг тонна пахта хом ашёси этказиб бердилар.
Уруш йилларида ишчилар билан дехконлар ўртасидаги жипслик, ўзаро ёрдам янада кучайди. Саноат корхоналари колхозларни оталикка олиб, уларга кишлок хўжалик техникалари, эхтиёт кисмлар билан ёрдамлашдилар. Шахарликлар кишлок хўжалик махсулотларини йигиштириб олишда фаол катнашдилар. Колхозчи дехконлар эса саноат сохасидаги умумхалк курилишларида фаол иштирок этдилар. Масалан, Фарход ГЕСи курилишининг ўзидагина 70 мингга якин колхозчи катнашди. Ўзбекистон ишчилари ва дехконлари жипслашиб, фидокорона ишлаб, фашистлар устидан козонилган галабага салмокли хисса кўшдилар. 160 мингга якин киши фронт оркасидаги фидокорона мехнати учун “Шухрат” медали билан мукофотландилар.

Уруш ўзбекистонликларни огир мухтожликка дучор этди. Хамма нарсанинг фронтга сафарбар этилиши натижасида озик-овкат танкислиги вужудга келди. Шахарларда озик-овкатларни, саноат молларини карточка асосида таксимлаш жорий этилди. Ишчи ва хизматчиларга кунига 400–500 граммдан, оила аъзоларига эса 300 граммдан нон бериш белгиланди. Амалда эса ахоли белгиланган меъёрлардан хам кам нон оларди. Гўшт, ёг, балик, макарон, ёрмалар хам меъёрланган тартибда таксимланар, кўп холларда карточкада кўрсатилган микдорда берилмасди. Кишлок ахолисининг турмуши янада огирлашди. Озик-овкат ва саноат махсулотларини меъёрланган тарзда таксимлаш кишлок ахолисига жорий этилмади. Улар ишлаган мехнат кунлари учун деярли хак ололмасди. Уларга озик-овкат махсулотлари матлубот кооператсияси дўконларида давлатга топширилган кишлок хўжалик махсулотларига караб катъий меъёрланган микдорда бериларди. Ахолини озик-овкатлар билан таъминлашни яхшилаш максадида саноат корхоналари кошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга рухсат берилди. Уларга вактинча фойдаланиш учун 53 минг гектар ер ажратилди. Ишчи ва хизматчилар томонидан якка тартибда полизчилик ишлари билан шугулланиш кенг таркалди. Озик-овкат танкислиги шароитида пул тобора кадрсизланиб борди, чайковчилик авж олди. Мухтожликларга карамай саноат ва кишлок хўжалик ходимлари галаба учун, фронтга кетган фарзандлари ва эрлари учун фидокорона мехнат килдилар. Кийинчиликларга карамай фронтга кетган жангчиларнинг оилаларига хар томонлама гамхўрлик килинди, болалари ясли ва богчаларга жойлаштирилди. Колхоз ва совхозлар жангчиларнинг оилаларига озик-овкат, экин экиш учун ер ажратиб берарди.

## Уруш йилларида фан, маориф ва маданият. Ўзбекистон нинг кардош халкларга байналмилал ёрдами

Урушнинг дастлабки кунларидаёк СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали, республикада ишлаб турган 75 та илмий муассасалар, шу жумладан, 25 та илмий тадкикот институтлари, 23 та илмий стансия ва бошкалар, барча олимлар республика хўжалик хаётини харбий изга солиш билан алокадор муаммоларни хал этишга жалб этилди.

Уларнинг заводлар, фабрикалар, темир ёъл ва автомобил ёъллари транспорт корхоналари билан бевосита алокалари ўрнатилди. Олимларнинг тадкикот ишларини мувофиклаштириш максадида 1941-йил 29-ноябрда Ўзбекистон Илмий мухандис-техника жамияти тузилди. Гарбий худудлардаги йирик шахарлардан кўплаб илмий муассасалар Ўзбекистонга кўчириб келтирилди. СССР ФАнинг тарих, иктисодиёт ва хукук, жахон хўжалиги ва жахон сиёсати, шаркшунослик, жахон адабиёти, моддий маданият, тупрокшунослик, сейсмология институтлари, бир канча музейлар ва кутубхоналар шулар жумласига киради. Академиянинг 375 йирик олимлари ва ходимлари кўчиб келдилар. Ўзбекистонлик олимлар кўчиб келган йирик олимлар билан якин алока богладилар, республикамизда мавжуд бўлган ва кўчириб келтирилган илмий муассасаларнинг тадкикот ёъналишлари кайта кўриб чикилди, уруш талабларига мослаб ўзгартирилди. Олимлар ўзларининг асосий эътиборини мудофаа саноати учун зарур бўлган табиий ресурсларни излаб топиш ва улардан фойдаланишни ташкил этишга каратдилар. Геолог олим Н.М.Абдуллаев ва бошкаларнинг тадкикотлари натижасида калайи, волфрам, молибден, ўтга чидамли элементлар, нодир металлар ва бошка турдаги хом ашё конлари топилди ва ўзлаштирилди. А.С.Уклонский бошчилигидаги геологлар гурухининг темир конини топиши, ўзбек металлургия комбинати курилишини лойихалаштириш ва уларни фойдаланишга туширишдаги хизматлари катта ахамиятга эга бўлди. Д.М.Богданов ва мухандис Г.К.Чикризовлар Ангренда кидирув ишларига бошчилик килдилар ва кўмир конининг бой захираларини топиб янги шахталар куришга кўмаклашдилар. Сирдарёдаги Фарход ГЕСининг лойихасини ихлаб чикишда машхур ирригаторлар А.Н.Аскоченский, В.В.Пославитскийлар фаол иштирок этдилар, лойихачиларга академиклар Г.О.Графито ва Б.Е.Веденеевлар кимматли маслахатлар бердилар. Кимёгар олимлар нефтнинг сувини кетказиш, олтингугуртдан тозалаш, кўмирни кокслаш, пахта чикиндиларидан халк хўжалигида фойдаланишнинг, этил спирти, сода, кислота олишнинг янги самарали усулларини яратдилар. Дори-дармонлар тайёрлаш борасидаги тадкикотлар натижасида ахоли эхтиёжлари учун зарур бўлган турли хил дори-дармонлар ишлаб чикариш ёълга кўйилди. Тошкентда фарматсевтика заводи курилиб ишга туширилди.
Бутуниттифок пахтачилик илмий-тадикикот институти пахтанинг янги навларини етиштириш сохасида самарали изланишлар олиб борди. Селексионерлар С.С.Канаш ва А.И.Автономов бошчилигида вилт касаллигини юктирмайдиган янги навини яратдилар. С.С.Канаш яратган С-460, Л.В.Румшевич яратган Ф-108 юкори хосилли навлар, шунингдек, бошка узун толали навлар пахтачиликнинг ривожида улкан хисса бўлди. Ўзбекистонда экилиб келинган америка пахта навларини янги навлар билан алмаштириш 1944-йилда тугалланди. Республика олимлари Самаркандда жойлаштирилган Тимирязев номидаги кишлок хўжалик академияси ходимлари билан хамкорликда гўза, бугдой ва канд лавлагини алмашлаб экиш усулини жорий этдилар. Ўзбекистон шароитида канд лавлагидан мўл хосил олишга кўмаклашдилар.
Уруш йилларида гуманитар фанлар хам анча ривожланди. Йирик тарихчи, археолог, хукукшунос, шаркшунос, адабиётшунос олимлар ўзбекистонлик хамкасблари билан Ўзбекистон халклари тарихи, маданяти ва адабиётининг мухим масалаларини ишлаб чикдилар. В.С.Струве, В.А.Шишкин, Е.Е.Бертелс, И.К.Додонов, В.Ю.Зохидов, Х.Ш.Иноятов, А.Ю.Якубовский, М.Е.Массон, С.П.Толстов, Я.Г.Гуломов ва бошкалар Ўзбекистоннинг энг кадимги ва ўрта асрлари тарихи, моддий маданяти ва маънавияти, Ўрта Осиё халкларининг этногенези бўйича катор асарлар тайёрладилар. Икки жилдлик “Ўзбекистон халклари тарихи”ни тайёрлашга киришилди. Ёзувчи Алексей Толстой

рахбарлигида рус ва ўзбек олимлари биргаликда “Ўзбек адабиёти тарихи” асарини яратдилар.
1943-йил 4-ноябрда Ўзбекистон Фанлар академияси очилди, унинг биринчи президенти этиб таникли олим Т.Н.Кори Ниёзий сайланди. Фанлар академиясининг очилиши республика хаётида мухим вокеа бўлди, илм-фаннинг янада тараккий этиши учун мустахкам пойдевор яратилди. Тез орада янги илмий муассасалар вужудга келди. Тил, адабиёт ва тарих институти базасида Тарих ва археология, Тил ва адабиёт институтлари, Шаркшунослик институти, Иктисодиёт, Математика ва механика, Тупрокшунослик, Физика-техника институтлари ва бошка лабораториялар ташкил этилди. 1943-йилга келиб Фанлар академияси таркибида 23 та илмий муассаса, шу жумладан, 2 та лаборатория, тажриба стансиялари фаолият кўрсатди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг уч фахрий аъзоси, 15 хакикий аъзоси, 20 мухбир аъзоси ва 1265 илмий ходими, шу жумладан, 54 та фан доктори ва 172 та фан номзоди илмий тадкикот ишлари олиб борди. Улар орасида физика-математика фанлари докторлари Т.А. Саримсоков ва В.И.Романовский, геолог олим Х.М.Абдуллаев, физик олим С.У. Умаров, файласуф И.Мўминов, адиб С.Айний, ёзувчи Ойбек, шоир Г.Гулом ва бошкалар бор эди.
Шаркшунослик институти олимларининг Шарк кўлёзмаларини ўрганиш асосида тайёрлаган форс, араб ва туркий тилларда ёзилган кўлёзмалар тўплами жахондаги энг бой тўпламлардан бири бўлиб колди. Тўплам 3 жилддан иборат бўлиб, уларда 300 га якин кўлёзма тавсифлаб ва илмий жихатдан бахолаб берилди. 1944-йилда ЎзФА Президиумида аспирантура ташкил этилди ва ўша йили 60 киши, шу жумладан, 41 ўзбек кабул килинди. 1944-йилда Академия институтларида 2 та докторлик, 17 та номзотлик диссертатсиялари ёкланди. Уруш йилларида ўзбекистонлик олимлар мингдан ортик илмий ишларни бажардилар, уларнинг кўпчилиги халк хўжалик ва мудофаа ахамиятига эга бўлди.
Ўзбекистонлик ёзувчилар ва шоирлар ўзларининг кайнок ижоди билан халкни мардоналикка чорлаб, фидокорона мехнатга рухлантириб галабага муносиб хисса кўшдилар. Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси ўз фаолиятини душманни тезрок тор-мор этишга каратди. Унинг раёсати кошида ташвикот ва таргибот бўлими, харбий комиссия тузилди. Ижодий зиёлиларнинг радио ва матбуотда кишиларни хушёрликка, ватанпарварликка, душманга карши мардона жанг килишга, фронт оркасини мустахкамлашга чорловчи чикишлари билан катта ахамиятга эга бўлди. Ўзбекистонга вактинчалик кўчириб келтирилган рус, украин, белорус, молдован ва бошка миллатларга мансуб ёзувчи ва шоирлар хам республикамиз хаётида фаол катнашдилар, ўзбекистонлик хамкасблари билан якиндан хамкорлик килдилар. “Биз енгамиз!” деган алманах, “Ўзбекистон шоирлари – фронтга” деган антология ана шундай хасмкорликнинг меваси бўлди. Хамид Олимжон, Уйгун, Собир Абдулла, Николай Погодинлар биргаликда “Ўзбекистон киличи” мусикали драмасини яратдилар.
Уруш йилларида яратилган Ойбекнинг “Навоий” ва “Кутлуг кон” романлари, Абдулла Каххорнинг “Олтин юлдуз” киссаси, “Хотинлар” асари жамоатчиликнинг юксак бахосига сазовор бўлди. Шеъриятда улкан юксалиш бўлди. Хамид Олимжоннинг “Кўлингга курол ол”, “Шаркдан Гарбга келаётган дўстга”, “Жангчи Турсун” ва “Роксананинг кўз ёшлари”, Гафур Гуломнинг “Сен етим эмассан”, “Мен – яхудийман”, “Бизнинг кўчада хам байрам бўлажак”, Уйгуннинг “Касам”, “Бир кадам хам оркага чекинилмасин” ва “Мактуб”, “Максуд Шайхзоданинг “Она кузатмокда” ва “Капитан Гастелло” шеърлари, Шароф Рашидовнинг

“Кахрим” шеърлар тўплами, Султон Жўранинг “Пулемётчи овози”, “Найзамиз” шеърлари фашизм кирдикорларини фош этиб, галаба козонишга ишончни куйлаб, халкнинг жанговар рухини кўтарди. Она замин, Ватанга садокат, душманга нафрат, жасорат ва мардликни тараннум этган бу теран шеърлар жанговар куролдан колишмайдиган дахшатли курол бўлиб хизмат килди.

Ўзбекистон халк таълими, жумладан, олий ўкув юртлари огир синовлардан ўтди. Кўпчилик профессор-ўкитувчилир, талабалар фронтга сафарбар этилди. Касб ёъналиши якин бўлган институтлар, факултетилар, кафедралар бирлаштирилди, айримлари ёпилди. Самарканд кооператив институти билан Тошкент молия-иктисодиёт институти, Тошкент ва Самарканд тиббиёт институтлари, Ўзбек ва Ўрта Осиё давлат университетлари бирлаштирилди. Уларнинг бўшаган биноларига харбий муассасалар, госпиталлар жойлаштирилди. Москва, Ленинград, Киев, Харков, Воронеж, Одесса ва бошка шахарлардан 1941–1943-йилларда кўчириб келтирилган 35 олий ўкув юрти ва 7 харбий академия кабул килиб олинди, уларнинг баъзилари ўзаро ёки Ўзбекистон олий ўкув юртлари билан бирлаштирилди. Ўз профессор-ўкитувчилари билан кўчириб келтирилган олий ўкув юртларининг фаолияти республикада олий таълимнинг янада ривожланишига ижобий таъсир этди. Москвалик ва ленинградлик олимлар талабаларга янги курслар бўйича маърузалар ўкидилар, махаллий миллат вакилларидан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга кўмаклашдилар, янги мутаххасисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ёълга кўйилди. Улар халк хўжалик ва харбий ахамиятга молик мавзуларда тадкикот ишларини уюштирдилар. Ўзбекистон хукумати олий ўкув юртлларидаги кийинчиликларни бартараф этиш, моддий базасини мустахкамлаш, ўкитувчилар билан таъминлаш масалаларида кўмаклашди. Йирик олий ўкув юртларида докторантура ва аспирантурага кабул кенгайтирилди. Республика микёсида ишлаб турган рахбар ходимлар олий ўкув юртларига ишга юборилди. 1945-йилда олий ўкув юртлари сони 1940-йилга нисбатан 3 тага кўпайиб 33 тани ташкил этди, талабалар сони эса 19,1 мингдан 21,2 минг кишига ортди. Уруш йилларида хаммаси бўлиб 10 мингдан кўпрок олий малакали ва 3,7 мингга якин ўрта махсус маълумотли мутахассис тайёрланди.
Халк маорифида хам жиддий кийинчиликлар бўлди. Кўплаб мактаблар бинолари госпиталлар, ётокхоналар, харбий ўкув юртларига берилди. Мактаблар бирлаштирилди, кўп сменали ўкиш жорий этилди. Урушгача республика мактабларида ишлаётган ўкитувчиларнинг 74,6 фоизини эркаклар ташкил этарди. Улар фронтга, ишлаб чикариш ишларига кетди. Бунинг устига дарсликлар, ускуналар, дафтарлар етишмас эди. Киска муддатли курслар ташкил этилиб, бошлангич синфлар учун ўкитувчилар тайёрланди, бошка ишга кетган ўкитувчиларни мактабга кайтариш тадбирлари кўрилди, уларнинг моддий-маиший ахволини яхшилашга гамхўрлик килинди. 1944-йилда ўкитувчилар армия сафидан мактабларга кайтарилди. Ўкувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги яхшиланди, кундалик ўкиш фойдали мехнат билан олиб борилди. Ўкишдан ташкари вактларида ўкувчилар госпиталларга оталик ёрдами бердилар, фронтдагиларнинг оилаларига кўмаклашдилар, темир-терсак тўплаб топширдилар, кишлок хўжалик ишларига катнашдилар. Мактабларда таълим-тарбия сифатини яхшилаш максадида ўкувчилар билимини бахолашнинг беш балли тартиби, бошлангич ва етти йиллик мактабларни тамомловчилар учун етуклик аттестати – гувохномаси учун имтихонлар топшириш мажбурияти, мактаб ўкув дастурларини аъло ўзлаштирган ва аъло хулкли ўкувчиларни

олтин ва кумуш медаллар билан такдирлаш жорий этилди. Бу тадбирлар дарс машгулотлари савиясини кўтаришга, ўкувчилар интизомини яхшилашга олиб келди. Кўчириб келтирилган муассасалар ўз жойларига кайтиб кета бошлагач, мактаб бинолари хам бўшатила борди, ўкувчилар ўз мактаблари багрига кайтиб ўкишларини давом эттирдилар. 1940-41 ўкув йилида 5504 та умумтаълим мактабларида 1368,9 минг ўкувчи ўкиган бўлса, 1945-46 ўкув йилида 4976 та умумтаълим мактабларида 989,2 минг бола таълим олди.

Уруш йилларида республика оммавий ахборот воситалари оммани фронт учун, галаба учун сафарбар этишга, халкни гоявий-сиёсий жихатдан тарбиялашда мухим омил бўлиб хизмат килди. Ўша дамларда Ўзбекистонда 200 га якин газета, шундан 124 таси ўзбек тилида, 52 та журнал, шундан 19 таси ўзбек тилида нашр этилар эди. Газеталарнинг бир галлик адади 900 минг, шундан 600 минг нусхаси ўзбек тилида чикарди. Газеталар ва журналлар сахифаларида фронтдаги вазият, республика мехнат жамоаларининг фидокорона мехнати, кийинчиликлар ёритиларди.
Ўзбекистоннинг бир гурух ёзувчи ва журналистлари совет армияси сиёсий бошкармалари ихтиёрига юборилди. Булардан Тўлкин Рустамов ва Расул Мухаммадий совет армияси бош бошкармасида инспектор, Жалолхон Азизхонов, Рустам Абдурахмонов, Адхам Рахмат, Шариф Бўлатов, Мухаммаджон Муродов, Ёълчи Билолов ва бошкалар фронт газеталарида мухаррир ўринбосарлари бўлиб хизмат килдилар. Назир Сафаров, Мирзакалон Исмоилий, Зиннат Фатхуллин, Мели Жўра, Тўгон Эрназаров, Султон Жўра ва бошкалар харбий мухбирлар сифатида хамда журналистиканинг бошка жанговар сохаларида фаолият кўрсатдилар. Уруш йилларида ўзбек тилида 14 та фронт ва 12 та дивизия газетаси нашр этиларди. “Фронт хакикати”, “Кизил аскар хакикати”, “Кизил армия”, “Ватан шарафи учун”, “Душманга карши олга” каби газеталар нашр этилган.
Уруш йилларида радио ходимларининг, маданий-маърифий муассасаларнинг хизматлари хам катта бўлди. Уруш йилларида 754 та кино установка, 11 та музей, 360 та кироатхона, 1044 та клуб, 433 та кутубхона, 2800 та кизил чойхона омма орасида сиёсий, маданий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб бориш маркази сифатида хизмат килди.
Уруш йилларида сахна санъати ривожланди. Тошкентда ва Андижонда янги театрлар очилди, республикада хаммаси бўлиб 36 та театр ишлаб турди. Шунингдек, кўчириб келтирилган 14 та театр хам фаолият кўрсатди. Республика театр жамоалари 1942–1944-йилларда 203 та янги асарни сахналаштирдилар. Кўпгина спектакллар уруш мавзусига багишланган эди.
Халк ашулачиларининг, талантли бастакорларнинг ижоди зўр шухрат козонди. Тўхтасин Жалилов ва Юнус Ражабий халк мусика санъатининг анъаналарига таяниб, ёркин халкчил асарлар яратдилар. М.Ашрафий, Т.Содиков, М.Бурхоновлар мусика маданиятини юксак даражага кўтардилар. Тошкент бадиий филмлар студияси вактинча кўчиб келган йирик киноматографлар билан хамкорликда “Икки жангчи”, “Насриддин Бухорода”, “217-ракамли одам”, “Ватанга совга”, “Беш республиканинг филм-консерти” номли кинофилмларни яратдилар.
Ўзбекистон рассомлари зўр гайрат билан ишладилар. Л.Абдуллаевнинг “Кизил армияга кузатув” ва “Мукофот билан такдирлаш”, Ў.Тансикбоевннг “Отликлар хужуми” ва “Паризан киз”, Ч.Ахмаровнинг “Ўзбекистон – фронтга”, В.Е. Кайдаловнинг “Фашист газандаси ёък килинди” ва “Душманга какшаткич зарба” асарлари Ўзбекистон бадиий

хазинасидан мустахкам ўрин эгаллади. Уруш йилларида Ўзбекистон рассомлари 39 та кўргазма ташкил этдилар, беш мингдан кўпрок бадиий-сиёсий плакатлар яратдилар. Ўзбекистон санъат ходимлари мехнаткаш халкка, жангчиларга хизмат килиб, уларнинг рухини кўтариб турдилар. Санъаткорлардан тузилган 30 дан ортик концерт бригадалари фронтдаги жанговор харбий кисмларнинг аскар ва зобитлари учун 400 дан кўпрок концерт бердилар, республика худудида жойлашган харбий кисмларда 15 мингта, госпиталларда 10 мингта концерт уюштирдилар. Ишчилар, пахтакорлар хузурида доимо хизматда бўлдилар. Бу тадбирларда фаол катнашган атокли санъаткорлар: Халима Носирова, Тамарахоним, Аброр Хидоятов, Лутфихоним Саримсокова, Сора Эшонтўраева, Аббос Бакиров, Коммуна Исмоилова ва бошкалар халк хурматига сазовор бўлдилар. Ижодкор зиёлиларнинг асарлари, санъат усталарининг чикишлари халкни маънавий жихатдан кўтарди, оммани галаба учун курашга сафарбар этишда мухим омил бўлди. Ўзбек ижодкорлари фашизм устидан козонилган галабага муносиб хисса кўшдилар.

Совет халки хали уруш давом этаётган кийин пайтлардаёк душмандан озод этилган шахар ва кишлокларни, завод, фабрика ва бошка хўжаликларни кайта тиклашга киришди. Озод этилган худудлардаги хўжаликни тиклаш ишларида Шаркдаги барча республикалар, вилоятлар, шу жумладан, Ўзбекистон хам фаол катнашди. Урушда за-рар кўрган вилоят, шахар ва туманларга ёрдамлашиш билан боглик бўлган ма-салалар республика хукумати, вилоят, шахар ва туман ташкилотлари хамда кенг жамоатчилик орасида мунтазам равишда мухокама килиниб, зарур тадбирлар амалга ошириб борилди. Ёрдам давлат ёъли билан ва жамоатчилик ёъли билан амалга оширилди. 1943-йилнинг бахорида Ўзбекистон озод этилган туманларга 2 минг трактор, автомобил ва кишлок хўжалик машиналари, 8 минг от ва хўкиз, 170 минг бош кўй ва эчки жўнатди. 1943-йилнинг октабрида ўзбекистонлик ёшлар ленинградлик болаларга 250 тонна озик-овкат, 10 минг жуфт пояфзал ва кийим, 2 млн. сўмдан кўпрок пул юборди. Ўзбекистон темир ёълчилари озод этилган жойлардаги темир ёълларни тиклашга катта ёрдам бердилар. Тошкент товар стансияси темир ёълчилари 35 та кўтаргич асбоблар комплекти, 350 дона слесарлик асбоблари, 2 мингдан ортик эхтиёт кисмларни тўплаб Гарбдаги стансияларнинг бирини тиклаш учун жўнатди. 1943-йил 30-мартда Тошкент темир ёълчилари асбоб-ускуналар ортилган бутун бир эшелонни Сталинград темир ёъл тармогини тиклаш учун юборди. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган корхоналар, илмий ва маданий муассасалар, ўкув юртларини ўз ўрнига кайтариш, биноларни тиклаш ва жойлаштириш ишларида хам фаол катнашдилар. Кўплаб ўзбекистонлик мутахассислар ва ишчилар рус, украин, белорус, молдован дўстларига кўмаклашиш учун жўнаб кетдилар. Факат 1943-йилда ўзбекистонликлардан 60 мингга якин киши Свердловск, Челябинск, Москва, Иванов ва бошка вилоятларда ишладилар. Ўзбекистон алокачилари 540 мухандис, техник ва бошка мутахассислардан иборат махсус баталон тузиб, уни зарур асбоб-ускуна ва материаллар билан таъминлаб Гарбга жўнатди. Баталон Россия, Украинада кўплаб алока воситаларини тиклашда фаол катнашди.
Гарбий вилоаятларни тиклаш ишларига республикамизнинг фабрика-завод таълими мактабларини, хунар-ўкув юртларини эндигина тамомлаб чикаётган ёшлар кўпрок юборилди. 1943–1945-йилларда Донбасс, Киев, Ленинград ва Урал кохоналари, курилишлари ва темир ёълларида ишлаш учун Ўзбекистон мехнат резервлари мактабларининг 15 минг талабаси жўнатилди. Озод этилган худудлар ахолисига кардошларча ёрдам, республиканинг ўзида молиявий ресурслар, асбоб-ускуна ва

материаллар, малакали кадрлар, истеъмол моллари етишмай турган огир бир шароитда берилди. Уруш йилларида Ўзбекистон ахолисининг турмуш савияси кескин пасайиб кетганига, хўжалик харбий изда ишлаётганига карамасдан кардош халкларга кўрсатган байналмилаллик ёрдами ўзек халкининг буюк инсонийлик фазилатларга содик эканлигининг гувохидир.
Сталин ва унинг атрофидаги югурдаклари томонидан уруш йилларида хам кичик халклар, этник гурухларга нисбатан адолатсизлик килинди. Урушнинг дастлабки йилидаёк Волгабўйи немислар автоном республикаси тугатилди. Унинг 300 мингдан ортикрок ахолисидан “боскинчилар ёрдам олиши мумкин”, деган гумон билан уларни ушлаб турган жойларидан махрум этиб, Сибир ва Козогистонга кўчириб юборилди. 1943-йил охирлари – 1944-йил бошларида Волганинг куйи окими ва Каспий денгизи киргокларида яшовчи калмоклар, Шимолий Кавказда яшовчи корачойлар, чеченлар, ингушлар ва болкарлар, 1944-йил июнида крим татарлари, греклар, кейинрок месхети турклари хам ўз ватанларидан Сибир ва Ўрта Осиёга бадарга килиндилар. “Бу халклар фашистлар билан хамкорлик килишда” айбланди, хеч кимдан хеч нарса сўраб-суриштирилмади, хар бир одамнинг канчалик айбдорлиги, гунохкорлиги аникланмади, хамма оммавий равишда касттик жазоланди. Кўчириш яширин холатда ва шошилинч равишда амалга оширилди. Бу катта кулфатларга, кўпчилик одамлар, болаларнинг ёълда кирилиб кетишига олиб келди. Бу халклар адолатсиз жазоланаётган бир пайтда, уларнинг фарзандлари, ёру-биродарлари фашистларга карши жанг килмокда эдилар. Улар юртдошлари бошига тушган кулфатдан бехабар эдилар. Кўчирилганлар Сибир ва Ўрта Осиёнинг ахолиси камрок бўлган туманларига гурух-гурух килиб таксимланди.
Ўзбекистонга 175 мингдан ортикрок чеченлар, 157 минг ингушлар, 150 мингдан ортикрок крим татарлари, 4,5 минг болкарлар, ўн минглаб месхети турклари, греклар кўчириб келтирилди. Ўзбек халки уларни бегараз кутиб олди, яшаш учун уй- жой, озик-овкатлар билан ёрдам берди. Махаллий хокимият уларга хосилдор ерлардан томорка ер, уй куриш ва хўжалик юритиш учун кредит маблаглари ажратди. Кўчириб крелтирилганлар анча машаккатлар билан янги жойларга аста-секин мослашиб бордилар.
Сталин бошлик Марказий хокимият амалга оширган миллий сиёсатнинг зарари, адолатсизлиги одамларнинг каттик катагон килиниши билан чегараланиб колмади. Унинг мудхиш эканлиги яна шундаки, кўплаб халкларнинг миллий давлатчилиги бузилди, республикалар ва мухтор вилоятларнинг хак-хукуклари поймол килинди. Энг дахшатлиси шундаки, бутун-бутун халкларнинг миллий маданиаяти, кадриятлари ва анъаналари оёк ости килинди. Бундай “миллий сиёсат” Марказ томонидан бутун воситалар билан ташвикот килинаётган Совет Иттифокидаги халклар ўртасида бузилмас дўстлик тўгрисидаги гояга соя, кора дог бўлиб тушди. Бундай зўравонликнинг зарарли окибатлари ханузгача тўла бартараф этилганича ёък. Вакти-вакти билан миллатлар ўртасида низолар, фожеалар чикишига сабаб бўлиб келмокда.

**Ўзбекистонлик жангчиларнинг фашизмни тор-мор етишдаги жасоратлари**

Урушнинг дастлабки кунларидаёк Гарбий чегаралардаги харбий кўшилмалар таркибида хизмат килаётган ўзбекистонликлар фашист боскинчиларига карши жангга кирдилар. Чегарада жойлашган Брест калъасининг 50 дан ортикрок миллатга мансуб жангчилари орасида ўзбекистонликлардан Дониёр Абдуллаев, Бобохалил Кашанов, Ахмад Алиев, Нурум Сиддиков, Узок Отаев ва бошкалар хам бор эди. Улар калъа химоячилари билан елкама-елка туриб душманнинг катта кучларига карши карийб бир ой давомида охирги томчи конлари колгунча жанг килдилар. Гарбий чегаралардаги дастлабки жангларда тошкентлик Зокир Каримов хам жасорат кўрсатди. У Крим ва Кавказда хам душман билан олишди, мардлик ва жасорати учун И ва ИИ даражали “Шухрат” ва бошка орденлар хамда “Жасорати учун” медали билан такдирланди.
Ўзбекистонлик жангчилар Смоленск, Киев, Одесса, Севастопол ва бошка шахарлар мудофаасида катнашдилар. Одесса химоясида Омон Умаров, сапёрлар ротасининг командири Хамза Зарипов жасорат кўрсатдилар. Омон Умаровнинг кичик харбий бўлими Одесса ёнида курилган душман аеродромига хужум килиб душманнинг 16 самолёти ва 30 автомашинасини ёкиб юборди. Афсуски, Керч учун бўлган жангларда у халок бўлди. Хамза Зарипов ротаси миналаштирилган ёълда душманнинг 27 танки ва 13 бронетранспортерини портлатди.
1941-йил кузкиш ойларида Москва остоналарида хаёт-мамот жанглари бўлди. Унда, бир томондан кандай килиб бўлса хам Москвани эгаллаш учун интилган, иккинчи томондан, кандай килиб бўлса хам Москвани кўлдан бермаслик учун оёкка турган тарихда мисли кўрилмаган даражадаги катта харбий кўшинлар тўкнашди. Ана шу дахшатли жангларда ўзбекистонлик жангчилар хам сабот-матонат, юксак харбий махорат кўрсатдилар. Жануби-Гарбий фронт таркибида бир ўзи душманнинг бир ДЗОТ, 9 аскар ва зобитини ёък килиб, 3 тасини асирга олиб келган Къочкор Турдиев Кахрамон унвонига сазовор бўлди.
Тошкентда узок йиллар хизмат килган генерал И.В.Панфилов Алмати шахрида туркистонликлардан дивизия тузди. Унинг командирлари таркибида Тошкент пиёда билим юрти ва Ўрта Осиё харбий округининг харбий-сиёсий билим юртида таълим олган 180 зобит бор эди. Генерал И.В.Панфилов дивизияси Москва остоналаридаги Волоколамск ёъналишида каттик жанг килди, оммавий кахрамонлик кўрсатди. Дивизия жанг майдонида душманнинг 114 танкини, 26 минг аскар ва зобитини, 5 самолёт ва бошка кўплаб техникасини ёък килди, харакатдаги жанговар техникасининг анча кисмини кўлга киритди. Жангларда взвод командири Икром Халилов, Зариф Иброхимов, Мамадали Мадаминов, Абдулла Тогаев, жаррох Гулом Абдурахимов ва бошкалар жасорат кўрсатдилар. Жангда дивизия кўмондони И.В.Панфилов халок бўлди, аммо унинг куролдошлари 8-гвардиячи Панфиловчи дивизия номи билан душман тор-мор этилгунча жанг килдилар.
Ўзбекистонда тузилган 21- ва 44-отлик аскарлар дивизияси Москва остоналарида жанг килиб кахрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Шулар каторида 1-отлик аскарлар корпусининг жангчилари Х.Мусаев, Р.Абдукосимов, А.Абдуллаев, бўлим командири Р.Алиев, взвод командири кичик лейтенант Х.Бектурсунов, 2-отлик аскарлари корпусининг жангчилари З.М.Косимов, Р.С.Халилов, катта сержант В.Содиков, эскадрон командири М.Иброхимов ва бошкалар бор эди.
Ўзбекистонда тузилган 258-ўкчи дивизия аскарлари Москва остоналаридаги жангларда

9 мингдан кўпрок душман аскар ва зобитларини ер тишлатиб, 137 та ахоли яшайдиган манзилгохларни озод этади, кўплаб жанговар техникани кўлга туширади. Ушбу дивизия Калугани озод этишда кўрсатган матонати учун гвардиячи дивизия унвонига сазовор бўлади. Дивизиянинг орден ва медаллар билан мукофотланган командирлари ва сиёсий ходимлари орасида Б.Ўразов, Г.Толипов, М.Бекмуродов, В.Кашапов ва бошкалар бор эди.
Москва химоячилари орасида ўзбек кизи Зебо Ганиева хам бор эди. У Москвадаги театр санъати институтида ўкир эди. Уруш бошлангач, Зебо Ганиева ўз юрти Андижонга кайтиб келишни эмас, фронтда жанг килишни афзал кўрди. Тез орада мохир мерган ва разведкачи бўлиб етишди. Унинг харбий кисми Москва-Волга канали бўйлаб жойлашган эди. Мерган Зебо Ганиева 1942-йил 21-май кунигача 23 та фашистни ер тишлатди, 16 марта разведкага бориб, душман тўгрисида кимматли маълумотлар олиб келди. Зебо Ганиева жасорати учун хуку мат ордени билан мукофотланди. 1943-йил августда Демянскда бўлган жангда Зебо Ганиева огир ярадор бўлди, 33 марта жаррохлик оператсиясига бардош бериб ўлимни енгиб ўтди. Москва остоналарида ўзбекистонлик мерганлар Ишоков, 354 фашистни, Абубеков 229, Юсупов 132, Мадаминов 123 фашист аскар ва зобитларини ер тишлатдилар.
Ўзбек халки Москва химоячиларига кўмаклашиш учун кўлидан келган барча тадбирларни кўрди. 1753 нафар ўзбекистонлик жангчилар “Москва мудофааси учун” медали билан мукофотландилар. Москва ёнидаги жангда душман тор-мор этилди. Бу унинг Иккинчи жахон уруши бошлангандан бери ўтган икки ярим йил орасидаги биринчи йирик маглбияти эди. Фашистларнибнг “яшин тезлигидаги уруш” режаси бутунлай барбод бўлди. Бунга ўзбек халкининг кўшган хиссаси бекиёсдир.
Ўзбекистонлик жангчилар 1942-йилда Крим, Донбасс, Дон, Кубан, Шимолий Кавказда бўлган огир жангларда хам катнашиб ўз вазифаларини бажардилар. Ўзбекистонда узок йиллар хизмат килган генерал И.Е.Петров Севастопол учун бўлган 8 ойлик мудофаа жангларининг бошликларидан бири эди. У катта харбий махорат билан алохида денгиз бўйи армиясига кўмондонлик килди, Севастополни курукликдан химоя килишни ташкил этди. Унинг адютанти тошкентлик катта лейтенант З.Каххоров эди. Генерал И.Петров Шимолий Кавказ фронти, кейинрок 4-Украина фронтига кўмондонлик килди, Берлин оператсиясида катнашди.

Ўзбекистонликлар 62- ва 63-армиялар сафида туриб тарихий Сталинград жангида кахрамонона жанг килдилар. Жанглар авжига чиккан пайтда Сталинградга Самаркандда ва Фаргонада тузилган 90- ва 94-ўкчи бригадалар етиб келиб жангга кирдилар. Бу бригадалар асосан ўзбек йигитларидан тузилган бўлиб, командирлар орасида С.Нуриддинов, В.Умаров, А.Муродхўжаев, Ф.Норхўжаев ва бошкалар бор эди. 21-отлик аскарлар дивизиясининг баланд жанговар рухда жанг килишида дивизия комиссари, кейинрок генерал-маёр унвонига эришган Муллажон Узоковнинг хизмати катта бўлди. 128-гвардиячи Туркистон тог-ўкчи дивизияси аскарлари душманга карши шиддатли зарбалари билан шухрат козондилар. Кичик лейтенант М.Кабиров взводи Переловск хутори ёнидаги тепаликни эгаллаш учун бўлган каттик жангда тирик колган 11 жангчи душманнинг 300 жангчисига карши 12 кун давомида тепаликни кўлдан бермай жанг килишди ва душманни ўша тепалик ёнида тўхтатиб колишди. Уларнинг 9 таси ўзбек, 1 таси козок ва 1 таси татар эди. Огир жангда Б.Алимбеков, Д.Ахмедов, Б.Гаффоров, С.Мардонов, Х.Мусаев, С.Пайзиев, Н.Хаитов, С.Тленовларнинг кони ана шу тепаликда

абадий колди. Факат Абдурахмон Эрдонов ва М.Кабировлар тирик колишди. Бу тепалик хозиргача “Шаркнинг 11 кахрамони тепалиги” деб аталиб келинмокда. Машхур Павлов уйини мудофаа килишда катнашган ўзбек йигити Камолжон Тургунов, Сталинград жангида ўзининг мотоўкчилар ротаси билан душманнинг 400 аскар ва зобитини кириб ташлаган, 230 тасини асирга туширган ва кўпгина курол-аслахани кўлга туширган наманганлик йигит Мамасоли Жабборов, 400 дан ортик аскарни ўз пулемётида ер тишлатган бухоролик мерган Хаитов, Тошкент педагогика институтининг талабаси Елена Стемпковскаялар жасорати Сталинград жанги солномасидан муносиб ўрин эгаллаганлар. Ўзбекистонлик жангчилардан 2738 киши “Сталинград мудофааси учун” медали билан мукофотланди.
1943-йил ёзида Курск ёйида бўлган каттик жангларда Ўзбекистонда тузилган 62- ва 69-ўкчи дивизиялар, 162- Ўрта Осиё-Новгород-Шимол аскар ва зобитлари алохида жасорат кўрсатдилар. Ўзбекистонликлар, шунингдек, 5- ва 15-ўкчи дивизиялар хамда 5-гвардиячи ва 62-гвардиячи ўкчи дивизиялар таркибида хам жанг килдилар. Золотарёвка кишлог учун бўлган каттик жангда фаргоналик Ахмаджон Шукуров душманнинг 110 та аскар ва зобитини ер тишлатди хамда 15 тасини асир олди. Бу жасорати учун унга Кахрамон унвони берилди ва Золотарёвка кишлоги Шукуровка деб аталадиган бўлди. Курск жангида Зилмат Хасанов бир ўзи 80 фашистга карши жанг килиб, 60 дан ортигини кириб ташлади, патронлари тугагач, калтис пайтда ўзини хам, душманларни хам портлатиб юборди. Курскда порлок галабага эришилгач, кизил армиянинг 2 минг км. узунликдаги фронтларда кудратли стратегик хужуми бошланиб кетди. Днепр даройсини кечиб ўтишда Тошкентда тузилган 441-ўкчи дивизия жасорат кўрсатди. Фашистлар ўк ёъгдириб, уларни ёък килиб ташлашга интилдилар. Тирик колган 10 тача жангчи рота командири Жўрахон Усмонов бошчилигида мадад келгунича икки кеча-кундуз давомида маррани эгаллаб турди. Бўлинманинг барча жангчилари юксак мукофотларга сазовор бўли, Жўрахон Усмонов Кахрамон унвони билан такдирланди. Днепрни биринчи бопълб кечиб ўтганлар орасида бухоролик старшина Вали Набиев, андижонлик Камбарали Дўстматов, коракалпок Худойберган Шониёзов, шофирконлик Халлок Аминов, ромитанлик Шариф Эргашев, Бухородан чиккан Т.А.Тихонов ва бошкалар бор эди. Днепрни кечиб ўтишда, унинг ўнг киргогидаги истехкомларни эгаллашда кўрсатган жасорати учун жами 26 ўзбек йигитларига Кахрамон унвони берилди.
Курскдаги гаълаба ва душманнинг Днепрдан улоктириб ташланиши натижасида жахон урушининг боришида туб бурилиш ясалди, харбий стратегик ташаббус душмандан батамом тортиб олинди. Сталинграддаги галаба Гитлер Германиясининг енгилиши мукаррарлигини кўрсатган бўлса, Курск ва Днепрдаги галаба немис-фашист кўшинларини халокатга махкум этди.
Ўзбекистонлик жангчилар Ленинград камалини ёък килиш, Украина, Белоруссия, Молдова ва Болтикбўйи республикларини душмандан озод килсих учун бўлган жанглларда кахрамонлик намуналарини кўрсатдилар. 1944-йил куз ойларига келганда душман мамлакатдан бутунлай хайдаб чикарилди, СССР чегаралари тикланди.

Душманни тор-мор этишда партизанлар харакатининг рўли ва ўрни катта бўлди. Урушнинг душман устунлик килган дастлабки даврида бутун-бутун харбий кисмлар душман куршовида колиб кетди, кўплаб аскар ва зобитлар ноиложликдан асирга тушиб колдилар. Асирларнинг сони 5 млн. кишидан ортикрок бўлиб, улар орасида минглаб

ўзбекистонликлар хам бор эди. Асирга олинганлар орасида комиссарлар, коммунистлар биринчилар каторида суриштириб ўтирилмасдан отиб ташланар эди. Колганлари харбий лагерга ташланарди, уларга каттик азоб берилар, совукда оч-ялангоч сакланар эди. Дастлабки пайтларда фашистлар харбий асирларни ортикча юк, кераксиз хўранда деб ўлдириб юборишар эди. Кейинчалик уруш душман ўйлаганчалик бъолиб чикмагач, харбий асирлардан текин ишчи кучи сифатида фойдалана бошлади.
Душман босиб олган шахар ва туманлар ахолиси Германияга хайдаб кетилди. Баъзи жойларда мехнатга лаёкатли бўлган фукароларни ўз ихтиёри билан Германияга ишга олиб кетишга хам уриндилар. Германияга олиб кетилган совет фукаролари сони 4 млн. дан ортикрок эди. Харбий асирлар, хайдаб кетилган фукаролар Освенсим, Маутхаузен, Бухинвалд ва бошка ўнлаб ўлим лагерларида сакланади, хўрланади ва кўплари халок килинади.
Душман ишгол килган туманлар ахолисининг душман камалидан чикиб олган кисми ёъки харбий асирликдан кочган жангчилар тогларга, ўрмонларга яшириниб, партизанча курашга ўтдилар. Партизанлар харакати Марказий штаби тайёрлаб юборган харбий мутахассислар, разведкачилар партизанлар орасига бўриб, йирик отрядларга бирлашиб, уюшган холда душманга карши курашдилар. Душман куршовидан чикиб олган ўзбекистонлик жангчилар хам Россиянинг гарби, Украина, Белоруссия, Молдова республикларида партизан кўшинларида иштирок этдилар. “Чекист” партизан отрядининг разведкачиси, кўркмас партизан Мамадали Топибол-диевнинг номи Белоруссияда машхур бўлди. У душманнинг 67 аскар ва зобитини ёък килиб, 180 тасини асирга олди. Довруги бутун партизанлар ўлкасига ёйилган М.Топиболдиев кўрсатган жасорати учун Кахрамон унвонига сазовор бўлди. Белоруссиянинг Писарево кишлоги ўзбек халкининг жасур ўглони номига Топиболдиевка деб атала бошлади. Гомел атрофидаги “Темир ёъл уруши”да иштирок этган Жонибек Отабоев, Брянск атрофида душманга тўсатдан зарба берган И.Мусаев, А.Хакимов, И.Косимов ва бошкаларнинг номлари уруш солномасидан ўчмас ўрин олди. Украинада душманга кирон келтирган С.А.Ковпак, А.Н. Собуров, А.Ф.Федоров, М.И.Наумовларнинг партизан кўшинлари сафларида юзлаб ўзбекистонлик касоскорлар хам катнашдилар. Улар душман кисмларига тўсатдан хужум килар, кўприклар ва темир ёълларни портлатиб душманни саросимага солардилар.
Душман ўта маккор эди. Харбий асирлар ўртасида миллатларни бир-бирига карши гиж-гижлаш, келиб чикиши немислардан бўлган совет фукароларини кулайликлар яратиш эвазига ўзига хизматкорликка олиш, совет хокимиятига нисбатан норозилик кайфиятида бўлган айрим мусулмон этник гурухларидан фойдаланиш каби сиёсий ёъллардан фойдаланишга уриниб кўрди. Рози бўлмаганларни очлик ва ўлим билан кўркитар эди. Бу хилдаги усуллар харбий асирларга кўпрок ишлатиларди. Фашистлар харбий асирлардан “Рус озодлик армияси”, “Туркистон легиони”, Волга – Урал легиони” каби харбий кўшилмалар тузишди, улардан партизанларга карши курашда фойдаланишди хам. Чет эл манбаларида ўз ватанининг душманлари билан “хамкорлик” ёълига кирганлар сони ўз эмас, кўп эмас, карийб 1 млн. кишига етганлиги кўрсатилади. Бунга Сталиннинг асирликка тушиб колганларни ватан хоинлари деб хисоблагани хам ўз таъсирини кўрсатган бўлиши эхтимолдан холи эмасдир. Хакикатда хам, кўпгина харбий аскарлар бундай легионларга мажбуран киритилган эди. Улар яширин гурухлар тузиб партизанлар билан алока боглаш ёълини кидирганлар. Масалан, 1944-йил январида гитлерчилар “Туркистон лергиони” отрядини Черногорияда югославиялик партизанларга

карши жангга солади. Отрядларнинг бирида 28 ўзбек йигитлари бор эди. Зобит С.Файзиев махаллий ахоли билан алока боглайди ва унинг кўрсатмаси билан легиончилар фашист командирларини отиб тшлаб, курол-аслахалари билан токка, партизанлар томонига юради. 1944-йил 25-май куни 28 ўзбекистонлик легиончилар Югославияда харакат килаётган болгар аскарлари баталонига кўшилиб кетади.
Бирок омон колган харбий асирларнинг такири хам огир кечади. Улар ўз ватанига кайтиб келгач, гумон остида бўлдилар, ишга жойлашишда, уй-жойли бўлишда кийналдилар. Айримлари яна лагерларга, энди советлар хукуматининг лагерларига тушиб коладилар. Бундай холлар Сталин ва унинг атрофидагилар яратган ишончсизлик ва гумонсираш вазиятининг окибати эди.

Ўзбекистонлик жангчилар Европа халкларини озод этишда хам фаол катнашдилар. Биринчи ўзбек генерали, 57-гвардиячи дивизиянинг кўмондони Собир Рахимов Полшада шонли хотира колдирди. Унинг дивизияси Кавказдан Шаркий Пруссиягача бўлган масофани каттик жанглар билан босиб ўтди. Кўрсатган харбий махорати учун кўп марталаб хукумат орденлари ва медаллар билан такдирланди. 1943-йил мартида унга генерал-маёр унвони берилди. 1943-йил майидан 1944-йил апрелигача муддатда Собир Рахимов Москвадаги Олий харбий академияда таълим олди. У академияни тамомлаб, аввал Белоруссияни озод этишда, сонгра Полшанинг Грудзяндз, Гнев, Старогpад, Дзяддово шахарларини озод этиш учун бўлган жангларда саркардаларга хос харбий санъатни намойиш этди. 1945-йил 26-мартда Гданск шахрини озод этиш учун бўлган жангда генерал Собир Рахимов халок бўлди. Собир Рахимовга олимидан сўнг Кахрамон унвони берилди. Полша халки ўзбек халки каби генерал Собир Рахимов номини эъзозлаб келмокда. Гданск шахридаги кўчалар, мактабларга Собир Рахимов номи берилган. Ўзбекистонликлар Европа мамлакатларида авж олган каршилик кўрсатиш харакатида хам фаол катнашдилар. Улар душманнинг махсус лагерларидан кочиб Чехословакия, Полша, Югославия, Гретсия, Франсиядаги Каршилик харакатига кўшилиб жанг килдилар. Самаркандлик Г.Г.Булатов отряди Полшда ўнлаб кўприкларни, темир ёълларни портлатди, душманнинг харбий кисмлари ва жанговар техникаси ортилган эшелонларни агдарди. 1944-йил ўрталарида Словакияда фашистларга карши кўтарилган миллий кўзголонда ўзбекистонликлардан партизан отряди командири В. Ф.Мелников, Р.Алламов, А.Нарзуллаев, Р.Хамроевлар иштирок этди. Югославияда кўрсатган жасорати учун фаргоналик Уксанбой Холматов 3 марта Югославиянинг мукофотларига сазовор бўлди. Фарансияда 37 миллат ва элатларга мансуб 2200 совет харбий асирларидан тузилган партизанлар полки А.А.Козарян кўмондонлигида француз партизанлари билан биргаликда жанг килиб, Алес, Вилфор, Сен-Шели шахарларини, Гар ва Лозер департаментининг кишлокларини фашистлардан озод килдилар. Бу жангларда самаркандлик А.Рахматов, булунгурлик С.Шомуродов, тошкентликлар Р.Рахимов, Н.Амиров ва бошкалар фаол катнашдилар. Франсиянинг жанубини озод этишда кўрсатган жасорати учун кўконлик Хошим Исмоилов, тошкентлик Тожибой Зияев Франсиянинг Жанна дъАрк крести ордени билан мукофотланди. Италиянинг Каррарo шахри конларида ишлатиш учун олиб борилган харбий асирлар орасида андижонлик Т.Кўчкоров ва А.Мамажоновлар италиялик партизанлар билан алока боглаб токка кочади. Улар Гарибалдичи партизанлар отрядига кўшилиб, душман курол-аслаха омборхоналарини портлатишда, ёълларда душман колонналарини ёък килишда, кўприклар ва эшелонларни портлатишда фаол катнашдилар. Ўзбекистонликларнинг

Каршилик кўрсатиш харакатидаги иштироки Европа халкларини фашистлар асоратидан халос килиш харакатига кўшган мухим хиссаси бўлди.
Уруш ўзининг сонгги палласига кирди. Берлин учун каттик жанглар бўлди. Уруш Кахрамонлари Б.Бобоев, Т.Бобоев, С.Умаров, “Шухрат” орденининг тўлик кавалерлари А.Тўкмоков ва Б.Ниёзовлар Берлинни забт этишда кахрамонларча жанг килдилар. Берлинни олганлиги учун медал билан ўзбекистонлик жангчилардан 1706 киши такдирланди. Фашистлар Германияси тор-мор этилди. Германия устидан галаба козонилганлиги учун медал билан 109208 ўзбекистонлик жангчи такдирланди. Ўзбекистонлик жангчилар Японияга карши урушда хам катнашдилар. Улар 22-, 79-, 275-, 388-, 221-дивизия ва бошка харбий кисмларнинг таркибида жанг килдилар. Сейсин порт шахрини эгаллашда 335-ўкчи дивизия баталони таркибида лейтенант Фозил Каримов, разведкачи Вали Сулаймоновлар алохида жасорат кўрсатдилар. Душман сохилига туширилган десантчилар орасида пулемётчи Нишон Бозоров чакконлик билан жанг килиб, японларнинг 10 та аскари ва 2 та зобитини ер тсихлатади. У жанговар медал билан такдирланади. Шунингдек, лейтенант А.А.Каримов, ўкчи взвод командири кичик лейтенант У.Дониёров, пулемётчилар кисми командири С.Кўчкоров ва бошкалар хам душманга какшаткич зарба берадилар. Шимоли-Шаркий Хитой ва Кореяни эгаллаб турган 1 миллионлик Квантун армияси тор-мор килинади. Жанубий Сахалин, Курилл ороллари япон кўшинларидан озод килинади. Япония тор-мор этилади.
6 йил давом этган, бутун инсоният бошига огир кулфатлар солган Иккинчи жахон уруши тамом бўлди. Уруш инсониятга кимматга тушди, 50 миллиондан ортикрок киши халок бъолди, 90 миллиондан ортик киши ярадор ва майиб бўлиб колди, моддий талофатлар киммати 4 триллион доллардан ошиб кетди. Уруш Европа, Африка, Осиё ва Океанияда турли фронтларда бўлди. Фашизмни тор-мор этишда кўп мамлакатлар катнашди. Бирок урушнинг асосий огилик маркази СССР халклари зиммасига тушди. 27 миллионга якин киши уруш алангасида халок бўлди, 18 миллиондан ортикрок жангчилар ярадор ва ногирон бъолиб колдилар.
Ўзбекистондан жанггохга сафарбар этилганлардан 263005 киши халок бўлди, 132670 киши бедарак ёъколди, 60452 киши ногирон бўлиб кайтди. Бу маъшум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилик азобига дучор бўлган. Юз минглаб ватандошларимиз мехнат фронтида захмат чекдилар, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатиб азоб-укубатлар тортди. Ўзбекистонликларнинг урушда кўрсатган мардлиги ва жасорати юкори бахоланди. 120 минг ўзбекистонлик жангчилар, жумладан, 70 минг ўзбек йигит ва кизлари орден ва медаллар билан мукофотланди. 300 га якин аскар ва командирлар Кахрамон унвонига сазовор бўлишди, уларнинг 75 нафари ўзбеклардир. 32 нафар ўзбекистонлик жангчи учала даражадаги Шухрат ордени билан мукофотланди.
Уруш даври Ўзбекистон тарихининг узвий бир кисми, биз уни унутолмаймиз. Ўзбекистонда уруш фахрийларига, уларнинг оилаларига ёрдам берилмокда, уларга имтиёзлар яратилган. Республика фахрийлар уюшмасининг ташаббуси билан фашизм устидан козонилган галабанинг 50 йиллиги муносабати билан жангларда халок бўлган 400 мингга якин ватандошларимиз хакида архив материаллари тўпланиб, бу маълумотлар асосида “Хотира” туркумида 33 китоб нашр этилди. Фашизм устидан козонилган 9-май куни Ўзбекистонда “Хотира ва Кадрлаш” куни сифатида нишонланмокда. Урушда курбон бўлганларни хотирлаш, биз билан хозирги кунларда ёнма-ён яшаётган уруш фахрийларини кадрлаш, эъзозлаш, хурмат-иззатйини жўйига

кўйишдек улугвор инсоний ишлар ёшларни Ватанга мухаббат рухида тарбиялашда, мустакил Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини мустахкамлашда катта ахамиятга эгадир.

(Mas'ul muharrir: Nasrullaev Maxmud Ubodullaevich – (SamDU) dotsent, t.f.n.)